

Шеър илми адабиётшунослигимиз тарихида турлича номлар («назм коидалари», «илм уш-шеър»...) билан аталиб, унинг асосида хамиша шеъриятдаги вазнлар масаласи, айникса аруз илми коидалари етакчи мавке касб этган. Халк шеърий ижодида ва кисман ёзма адабиётда намоён бўлиб келган, чинакам ўлчов хисобланмиш арузга мувофик келмаган шеърлар эса вазнсиз шеърлар хисобланган. Бундай шеърлар кейинчалик, яъни уларнинг арузга дахли йўклиги кўпроқ англашилгач, «хижо вазни», «бармок вазни» номи билан атала бошланган. Шу тарика хозиргачалик ўзбек шеъриятида икки асосий вазн тизими мавжуд: бармок вазни тизими, аруз вазни тизими. Кейинги асрда бармок вазнининг мавкеи жуда ошди, ижодкорларнинг аруз илмидан узоклашуви сингари сабабларга кўра арузий ижодлар, асарлар камайди. Арузга эҳтиром ва унинг юксак маҳоратга элтувчи илмий имкониятларига нисбатан хайратлар эса сакланиб турибди.

Хар икки вазн системаси хам сўзни, инверсияли гапни ўлчаш воситаси — бирлиги сифатида «хижо»га таянади. Бугунги кунда «хижо» атамаси мохиятган «бўгин» тушунчасидан фаркланади ва мазкур атамаларнинг бири арузга, иккинчиси бармокка тегишли кўлланилади.

Мабодо хижо ва бўгин айнан бир хил ходисалар сифатида хато хисланса, бармок вазnidаги сўз ва гапларни ўлчаш аруздаги хижо микдори ўлчаниши билан фаркланмасдек туюлади. Хижо ва бўгинда жиддий фаркланиш борлиги боис шеърий мисраларнинг хижо — бўгин саногининг белгиланишида хам икки шеърий тизим бир-биридан бошкacha. Шунингдек, бугуннинг имлоси ва талаффузи хам ўзгача. Аммо бармок ва аруз ўртасидаги асл, катта тафовут уларнинг ўзга бир хослигида кўзга ташланади. Профессор Фитрат шундай ёзади: «Асил айирма хижоларнинг кайфиятларини назар-эътиборга олиб-олмасликдадир».

Икки вазннинг бир-биридан фаркланишини тушуниш хам, хар бирининг ўзига хос ўлчов-хусусиятларини идрок килиш хам, дарҳакикат, хижо ёхуд бўгиннинг сифат жихатига эътибор каратилиши ёки каратилмаслигини англашдан бошланади.

Бугунги ўкувчи, адабиёт муҳлиси арузни ўрганмок истаса, бу масалага киришишни бармок вазни хосликлари билан, бўгин ва хижо мохияти билан танишишдан бошлагани маъкул. Негаки оммавий шеърияти аруздан, адабиётининг ўргатилаётган илми арузшуносликдан анчайин бебахра бўлган, бармок вазни ижодлари устувор одимлаётган давр ўкувчиси учун осон англашиладиган билмаганини ўрганиш сари бориш талаб этилади.

Бармок вазнида бўгинлар саногини хисоблаш ва шеър мобайнида мисралардаги улар мувофиклигини таъминлаш жараёнини шу вазндаги исталган шеър мисолида текшириб, билиб олиш мумкин. Бармок мисраларида бўгинларнинг гурухлашиб турокланиши анча осон, содда бўлиб, турок аруздаги руҳ билан вазифадошdir. Турок ва руҳнда шаклан, микдоран ўзига хосликлар бор. Лекин руҳни ўрганиш заруриятини турок оркали ёки иккаласининг киёсланиши оркали амалга ошириш максадга мувофик:

Мен хам яшаяпман | ўз замонимда, 11 бўгин (6 + 5)

Давримдан кайга хам | кетардим йирок. 11 бўгин (6 + 5)

Ва лекин билмадим | менинг конимда 11 бўгин (6 + 5)

Кайси бир бобомнинг | хислати кўпроқ. 11 бўгин (6 + 5)

(А. Орипов, «Генетика»)

Ўзбек арузини ўрганиш учун кадим араб арузининг шеъриятимизга кириб келиши, араб арузшунослиги маълумотлари, арузга доир илмий-назарий манбалар, шунингдек, давр ва лисоний сабабларга кўра араб, форс, ўзбек арузларининг маълум даражаларда фаркланиши каби масалаларни муайян даражада ўрганиш фойдадан холи эмас. Маълумки, бўгинларга ажратиш талафғуздаги бир нафас чикириш билан хосил бўладиган тўхташни хисобга олиш билан, шу тўхташлар оралигидаги товуш ёхуд товушлар бирикмасини ёзувда хам худди шундай ифодалаш мумкинлиги билан амалга ошади.

Демак, бўгинга ажратиша талафғуз хам, ёзилиш хам тенг кимматли ва ўзаро мувофик. Хижонинг бош хусусияти ва бўгиндан асосий фарки шундаки, у муайян вазндаги ўқилишнинг такозосига кўра ажратилади. Бармокка хос бўлган очик бўгин ва ёпик бўгин деган бўлинишлар аруздаги хижо ўлчовида ўз мавкеини йўкотиб кўйиши мумкин, яъни, ёпик бўгин очик бўгинга (хижога) айланиб колиши мумкин. Куйидаги сўзларнинг хар бири бир бўгин саналади, хижо сифатида эса ўта чўзик ва хар бири чўзик хамда киска хижолардан ташкил топгандир:

Хижо уч хил: киска (V), чўзик (-), ўта чўзик (- мисра охирида).

1. Киска хижо.

Бир киска унли (чўзги): Бир ундош (товуш) + киска

У (мид) а(хил)

V V унли (чўзги):

ки, ду, ба

у (ка) а(ка) ба (хор) ки (тоб)

v v V V

и (диш) и, а, у

v v v v

2. Чўзик хижо (тўлик, хижо).

Бир чўзик ўнли (узун чўзт): очик чўзик: до-но,

и, а, у зе-бо, ма-ъ-но

Чўзик унли билан тугаган

ёпик чўзик

очик хижо: ба, ра, та

гул — шав, дил — бар

киска унлиси бор ёпик

жан — нат, мак — таб

хижо: дар, бар, сар, мур

3. Ўта чўзик хижо. Таркибида чўзик унли келган ёпик хижо; о, у, ў, и, э (а-кам учрайди):

бог, дог, зор, хур, дур, нур, тас-вир, каш-мир, рез, роз, офтоб...

Кўш ундош билан тугаган ёпик хижо: субх, айт, маст, дўст, ишқ, зухд.

Ўзбек арузи фонетикаси: хижоларнинг тузилиши ва турлари, хижолардан асл рукнлар хамда тармок рукнлар — ритмик бўлакларнинг хосил бўлиши, асл ва тармок рукнларнинг турлича мувофикликдаги такрорларидан баҳрларнинг ташкил топиши, шу жараёндаги зихоф (лугавий маъноси «соннинг гўштсиз бўлиб колиши») — ўзгаришларнинг содир бўлиши кабилар ўзига хосликларга, яъни араб, форс арузларига хамиша хам тўгри

келавермайди. Ўзбек арузида 19 баҳрнинг 11 таси бор: хазаж, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, мужтасс, хафиф, сариъ, мутакориб, мутадорик, комил.

Араб шеъриятидаги воғир, тавил, мадид, басит, кариб, мушокил, гариб, муктазаб баҳрлари шеъриятиизда кўлланмайди.

Бирон байт, яхиси ва кўпинча матлаъ хижолари кайфияти аникланиб, чизмаси чизилиб, ритмик бўлакларга — рукнларга (асл ёки тармок рукнларга) ажратилади. Рукн («устун») — кичик ритмик бўлакдир. Байтлар 4 тадан 36 тагача рукндан ташкил топиши мумкин. 4 рукнли — мурабба, 6 рукнли — мусададс, саккиз рукнли — мусамман, 12 тадан ошгани (16, 20, 30, 36) мутаввал (кўп рукнли) деб айтилади. Рукнлар байтдага ўрнига кўра номланади. Масалан:

садр (раис — бошлиқ) хашв хашв аруз
ибтидоъ (бошланиш) хашв хашв зарб

Асл (афойлу тафойл, авзони мавозин) рукнлар 8 та (10 та хам дейишади): фаулун V--; фоилун — V —; мафоийлун

V — — ; фоилотун — V — —; мустафъилун — —V — ; мафъулоту— — — V;
мутафоилун V V — V —; фоилатун V — V V — . Шулардан бештаси ўзбеки шеъриятида кенг кўлланилган:

I. Фаулун асли, тармоклари:

1. Фаулун V — — солим
2. Фаол V — махзуф
3. Фаул V максур
4. Фаулу V — V макбуз
5. Фаълун — — аслам

II. Мафоийлун асли, тармоклари:

1. Мафоийлун V — — — солим
2. Мафоийлон V — — — мусаббаг
3. Мафоилун V — V — магбуз
4. Мафоийлу V— —V макфуф
5. Мафоийл V — — максур
6. Мафъулун — — — ахрам
7. Фаулун V — — махзуф
8. Фоилун — V — аштар
9. Мафъулу — — V ахраб
10. Фаал V — ажабб
11. Фаул V ахтам
12. Фаъ — айтар
13. Фоъ — азалл

III. Фоилотун асли, тармоклари:

1. Фоилотун — V— — солим
2. Фоилийён — V— — мусаббаг
3. Фоилоту — V— V макфуф

4. Файлутун V V — махбун
5. Файлуту V V — V машкул
6. Фоилун — V— махзуф
7. Фоilon — Vмаксур
8. Фаълун — — мактуъ
9. Фаълон — — мактуъи мусаббаг
10. Файлун V V — махбуни махзуф
11. Файлон V V — махбуни максур

IV. Мустафъилун асли, тармоклари:

1. Мустафъилун — — V — солим
2. Мустафъилон — — V — музол
3. Муфтаилун —V V— матвий
4. Мафоилун V—V—махбун
5. Мафоilonмахбуни V— V —музол

V. Мафъулоту тармоклари:

1. Фоилун — V — матвийи макшуф
2. Фоilon — V — матвийи мавкуф

Шеъриятимизда ана шу асл рукнлар ва уларнинг тармокларидан кўп фойдаланилган, уларнинг турлича такрорларидан 9 асосий машхур баҳрлар пайдо бўлади:

Мутакориб — фаулун асли ва тармоклари

Хазаж — мафоийлун асли ва тармоклари

Рамал — фоилотун асли ва тармоклари

Ражаз — мустафъилун асли ва тармоклари

Музореъ — мафоийлун ва фоилотун

Хафиф — фоилотун ва мустафъилун

Мужтасс — мустафъилун ва фоилотун

Мунсарих ва сариъ —мустафъилун, мафъулоту

Сур-ма-дин кўз/-лар ка-ро, кўл/-лар хи-но-дин/ ло-ла-ранг,
— у — — — V — — — V — — — V —

Го-за-дин юз/ -лар-да то-бу/ ўс-ма-дин крш/-лар та-ранг
—V—— V——V—— V —

Ўлчовлар натижасидан хulosса — вазнинг номланиши келиб чикади: байтда асосий асл рукнлар фоилотун бўлгани боис баҳр исми — рамал; байтда рукнлар сони 8 та бўлгани боис — мусамман; охирги рукн асл рукн эмас, унинг бир тармоги бўлгани боис тармокнинг исми махзуф = газал вазни номи — Рамали мусамман махзуф.

Демакки, шеър вазнини аниклашда бир неча тартибли изланишлар олиб боришга тўгри келади. Хусусан? куйидагилар мухим: хижоларнинг сифати аникланиб (вазнни аниклаш ишида хижолар сифатини аниклаш энг кийин, илмталаб, зукколикталаб жараён бўлиб, бунда киска, чўзик, ўта чўзиқлик холатларини бехато белгилаш такозо килинади), «хижолар сифати чизмаси» чизилади ва рукнларга ажратилади; байтнинг неча рукн эканлиги саналади (масалан, байт олти рукн экан, мусададс = 34-3); байт рукнлари

таркиби — сифати текширилиб, чизмадан кўринган мувофик номлари белгиланади. Худди шу охирги хал килувчи — вазнга ном кўйилувчи холатда шунга амал килиш керакки, агар байт факат асллардан иборат бўлса, «солим» атамаси кўлланилади, агар байт асллардан ташкари муайян тамокдан хам иборат бўлса, ўша тармокнинг маҳсус номи хам «солим» атамаси ўрнида кайд этилади. Агар байтда асллар ва тармоклар аралаш бўлса, «солим» атамасини кўллаш шарт бўлмайди. Унутмаслик лозимки, асар хеч качон бир неча баҳрда ёзилмайди. Деярли барча арузий асарлар бир баҳрда ёзилади. Аммо икки вазнда ёзилганлари хам кўп учрайди. Бунда кўпинча иккинчи, яъни кўшимча вазннинг охирги хижоси фаркланиши мумкин.

Шундай килиб, турли жанрга мансуб арузий асарлар вазни тахлили-тадқикига киришиб борилади. Тажриба жараёни барча хос тушунчалар моҳиятини, шунга доир билимларни мустахкамлаб боришни талаб этади. Хозирги ўзбек маорифида вазнларни аниклаб бериш талаби эса хар кандай битирувчи ўкувчилар, олийгоҳларга кирувчилар учун бир хил. Ўкувчидаги мавзу бўйича етарли тасаввур, малака, кўнижмалар хосил килдириш деярли хамма йўналишдаги адабиёт сабокларининг, соҳа ўқитувчиларининг муҳим вазифасидир.

Тохир Шермуродов. 2003 йил.